

**Тошкент давлат юридик университети (Тошкент, Ўзбекистон
Республикаси) ва Шимолий-Ғарбий сиёсат ва ҳуқуқ университети
(Сиань, Хитой) ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида**

КЕЛИШУВ

Тошкент давлат юридик университети ва Шимолий-Ғарбий сиёсат ва ҳуқуқ университети (кейинги ўринларда Томонлар деб юритилади) икки давлат ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлаш, олий юридик таълим, фан ва маданият соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, таълим, методик ва илмий-тадқиқот фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида куйидагилар ҳақида келишиб олдилар:

1-модда

Томонлар ўзаро келишувга мувофиқ:

1. Педагогик масалалар, олий юридик таълим таркиби ва мазмуни бўйича амалий кўникмалар ва маълумотларни ўзаро алмашадилар.

2. Илмий нашрлар, ўқув режалари, дастурлари, ўқув-методик материаллар, библиографик ва ахборот материаллари, шунингдек кўргазмалар, лойиҳалар ва Томонлар ютуқларини акс эттирадиган бошқа материалларни ўзаро алмашадилар.

3. Икки томон учун долзарб ҳисобланган масалалар бўйича қўшма тадқиқотларни олиб бориш билан, шунингдек ўқув жараёнини ташкил этиш ва такомиллаштириш масалалари билан боғлиқ фаолиятнинг ташкил этилишини мувофиқлаштириб борадилар. Университетлараро ҳамкорлик доирасидаги қўшма фаолият натижаларидан фойдаланишда Томонлар тенг ҳуқуқларга эга бўладилар.

4. Томонлар ташкил этадиган илмий конференция, симпозиумларда иштирок этиш учун ҳамкор олий таълим муассасасининг вакилларини таклиф этадилар.

5. Ўқитувчилар ва олимларни маъруза ўқиш, маслаҳат бериш ҳамда илмий-услубий фаолиятни биргаликда амалга ошириш учун ўзаро алмашадилар, шунингдек ёш олимларни касбий ривожланиши ва уларнинг мутахассисликка оид билимларни такомиллаштириш учун таҳсил олиш ва стажировкага юборадилар.

6. Томонларнинг келишувига мувофиқ монографиялар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, илмий мақолаларни тайёрлаш, шунингдек уларни таҳлил қилишни биргаликда амалга оширадилар.

7. Талабалар алмашинуви ва чет элда таълим олиш дастурлари ҳамда талабалар тажрибасини оширишга қаратилган бошқа фаолиятни амалга оширадилар.

8. 2+2, 3+1, 3+1+1, 4+1 ҳамда бир семестр/бир йил бакалаврият талабалари учун ҳамкорлик дастурларини биргаликда амалга оширадilar.

9. 1+1+1, 2+1 ҳамда бир семестр/бир йил магистратура талабалари учун ҳамкорлик дастурларини биргаликда амалга оширадilar.

2-модда

1-моддада назарда тутилган фаолият йўналишларини амалга ошириш учун Томонлар алоҳида келишувлар тузишлари мумкин.

3-модда

Томонлар ушбу Келишувни амалга ошириш ва мувофиқлаштириш учун масъул шахсларни белгилайди.

4-модда

Ушбу Келишувни амалга оширишга қаратилган молиявий шартлар Томонларнинг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб, алоҳида музокаралар натижаларига мувофиқ ҳал этилади.

5-модда

Томонлар кўшма лойиҳаларни молиялаштириш учун ташқи манбаларни жалб этишга қаратилган фаолиятни биргаликда амалга оширадilar.

6-модда

Ушбу Келишув Томонлар ўртасида тузилган бошқа келишувларга мувофиқ амалга ошириладиган ҳамкорлик йўналишларни истисно этмайди.

7-модда

Мазкур Келишувга Томонларнинг ўзаро қарорига мувофиқ, алоҳида протокол билан расмийлаштириладиган, ушбу Келишувнинг 9-моддасига мувофиқ кучга кирадиган ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

8-модда

Ушбу Келишувни шарҳлаш ва қўллаш жараёнида келиб чиқиши мумкин бўлган ҳар қандай низолар Томонларнинг ўзаро музокаралари билан ҳал этилади.

9-модда

Ушбу Келишув имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 5 йил муддат давомида амал қилади. Агар Томонлардан бири мазкур Келишувнинг амал қилиш муддати тугашига камида олти ой олдин уни тугатиш истагини билдириб, ёзма маълумот юбормаган бўлса, ушбу Келишувнинг амал қилиш муддати автоматик равишда яна 5 йил муддатга узайтирилади.

Ушбу Келишув олти нусхада ўзбек, хитой ва инглиз тилларида тузилди ва улар бир хил кучга эга бўлади. Мазкур Келишувни шарҳлашда инглиз тилидаги таржима нусхаси илова қилинади. Ушбу Келишувнинг қоидаларини шарҳлашда тушунмовчилик келиб чиқса, Келишувнинг инглиз тилидаги нусхаси устуворлик қилади.

**Тошкент давлат юридик
университети номидан**

**Ўзбекистон Республикаси адлия
вазири ўринбосари – ректор
Есемурат Канъязов**



Сана:

**Шимолий-Ғарбий сиёсат ва ҳуқуқ
университети номидан**

Проректор

Чжан ЦзюньЧжэн

Сана:

张军政
2018.6.17